

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Руслан Пирназаров

Фискал институти магистранти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11084459>

Аннотация. Мақолада яширин иқтисодиётнинг мазмун-моҳияти, пайдо бўлиш сабаблари ва хусусиятлари ёритилган. Яширин иқтисодиётни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш орқали яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш масалалари тадқиқ этилган.

Калим сўзлар: яширин иқтисодиёт, солиқ, солиққа тортиш, стратегия, солиқ сиёсати.

ISSUES OF IMPROVING TAX POLICY IN ELIMINATING THE SHADOW ECONOMY

Abstract. The article covers the content and essence of the shadow economy, the reasons and features of its appearance. Ways to eliminate the shadow economy have been analyzed. Issues of reducing the share of the shadow economy have been researched by improving tax policies.

Key words: hidden economy, tax, taxation, strategy, tax policy.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ ПРИ ЛИКВИДАЦИИ ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье освещается сущность, причины возникновения и особенности скрытой экономики. Проанализированы пути преодоления скрытой экономики. Исследованы вопросы сокращения доли скрытой экономики за счет совершенствования налоговой политики.

Ключевые слова: скрытая экономика, налог, налогообложение, стратегия, налоговая политика.

Мамлакат миллий иқтисодиётини ривожлантиришда, биринчи навбатда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун унга таҳдид солувчи муаммоларни бартараф этиш талаб этилади. Иқтисодий хавфсизликка бўлаётган асосий таҳдидлар орасида кўпроқ аҳамият эгаллагани иқтисодий муносабатларнинг криминаллашуви, жиноий тизимнинг давлат иқтисодий сиёсатини ўз манфаатларига бўйсундириш тенденцияси ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам яширин иқтисодиёт мавжудлигини тан олиш, ҳажмини аниқлаш, шаклланишини олдини олиш ва салмоғини камайтириш ҳозирги замон иқтисодий сиёсатининг ўта долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни зудлик билан ҳал этиш учун комплекс чора-тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш лозимлигини бугунги вазиятнинг ўзи талаб этмоқда.

Яширин иқтисодий фаолият асосан яширин хусусиятга эга бўлиб, уни амалга ошириш усуллари доимий ўзгарувчанлик, мураккаблашиб бориш, турли схемалар орқали содир этилиши каби хусусиятларга эга. Бу эса уларни аниқлаш ва фош этиш мураккаб эканлигини англатади. Бу борада олиб борилган тадқиқотларга кўра коррупция ва хуфиёна иқтисодиёт иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи асосий кучлар бўлиб, коррупция ва

хуфиёна иқтисодиёт ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд, улар маъмурий тўсиқлардан иборат умумий илдишларга эга.

Шунингдек, “яширин иқтисодиёт” ва инфляция бир-бири билан мусбат боғлиқ, солиқ юки билан эса манфий боғлиқлик мавжуд. “Яширин иқтисодиёт” билан норасмий бандлик таҳлили ривожланаётган давлатларда норасмий банд фуқаролар сони расмий меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар сонидан катта эканлигини кўрсатади.

Норасмий иқтисодий фаолият кўлами кенгайиши билан ўз домига ҳалол фаолият кўрсатаётган иқтисодий субъектларни ҳам тортиши шахнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид сифатида баҳоланади.

“Норасмий иқтисодиёт”нинг шаклланиши ва ривожланишига мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа бир қатор омиллар таъсир қилади.

Булардан иқтисодий омилларга ҳисоб-китобларнинг нақд пулда амалга оширилиши, солиқ ставкаларининг юқорилиги, иқтисодий инқироз, тадбиркорлик субъектлари ўртасида носоғлом рақобат мисол бўлади. Мамлакатдаги ишсизлик даражасининг юқорилиги, аҳоли даромадларининг пастлиги ижтимоий омиллар қаторига киради. Ҳуқуқий омиллар сифатида мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда турли маъмурий бюрократик тўсиқлар мавжудлиги ёхуд қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар норасмий сектор ривожланишига имконият яратади.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти ва назорат функцияларининг ташкил этилиши, маъмурий тартиб-таомиллар ва коррупция ҳолатлари “яширин иқтисодиёт” шаклланишига билвосита таъсир кўрсатади. Бу соҳада етакчи тадқиқотчи олимлар томонидан “яширин иқтисодиёт”га таъсир қилувчи 10 та энг асосий омил сифатида солиқ юки, самарали бошқарув ва коррупция, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат хизматлари, солиқ тўловчиларнинг хулқи, превентив чоралар, расмий иқтисодиёт ривожланиш даражаси, яқка бандлик, ишсизлик ва иқтисодиётда аграр секторнинг улуши каби омиллар санаб ўтилган.

Умуман олганда “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, уни расмий секторга ўтказиш ва унга қарши самарали курашининг бир неча йўллари мавжуд. Мамлакат иқтисодий тараққиёти “хуфиёна иқтисодиёт”нинг қисқаришига олиб келса, электрон тўловлар устунлик қилувчи мамлакатларда “хуфиёна иқтисодиёт” улуши кичик бўлади, айни пайтда рақамли иқтисод “хуфиёна иқтисод” муаммосини ҳал қилиши мумкин. Бошқа бир тадқиқотда коррупцияга қарши курашиш “яширин иқтисодиёт” га қарши курашининг энг самарали усули сифатида қайд этилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар белгиланиши алоҳида ўзига хос ўринга эгадир.

Бунда макроиқтисодий тартибга солиш тизимининг муҳим воситаларидан бири бўлган давлат бюджетининг аҳамияти ғоят юксакдир. Амалга оширилган бюджет-солиқ сиёсати биринчидан, иқтисодиётнинг истиқболли соҳа ва тармоқларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, амалдаги фаол ижтимоий сиёсат ва кучли ижтимоий ҳимоя

тизимларини шакллантиришда давлат бюджетига алоҳида вазифалар юклатилган бўлиб, ушбу вазифаларни самарали ижроси таъминланмоқда. Кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида давлат молиясининг барқарорлиги кузатилди.

Кейинги пайтларда иқтисодиёт тармоқларида яширин иқтисодиётни камайтириш муаммоси нафақат Ўзбекистон Республикаси учун, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар учун ҳам долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган 100 та мақсаднинг 46 мақсадида ҳам мамлакатимизда 2030 йилгача Яширин иқтисодиётни қисқартириш орқали солиқ базасини кўшимча кенгайтириш имкониятларидан фойдаланиш масалалари белгилаб берилган.

Ҳозирги кундаги асосий муаммолардан бири шундаки, мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб тадбиркорлик субъектлари солиқ тўлашдан бош тортиши ёки ўзлари топаётган даромадларини солиқ органларидан яширишлари билан боғлиқдир. Яширин иқтисодиёт иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим омилига айланиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши секинлашаётганлигига асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммолар эса, мамлакатимиз ва жамиятимизни янада ривожлантириш учун барча соҳаларни рақамлаштириш ва бу орқали яширин иқтисодиётни минималлаштириш лозимлигини аниқлатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда яширин иқтисодиётнинг катта улуши электрон тижоратга тўғри келади. Ўзбекистонда электрон савдо билан шуғулланувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларининг аксарияти яширин иқтисодиётда фаолият юритади, онлайн савдо каналларининг ишга туширилиши қонуний тушумларнинг кўпайишига ва солиқ органларининг барча текширувлар билан жиддий эътибор қаратилишига олиб келади, жарималар ва бошқа оқибатлар каби. Кичик бизнес буларнинг барчасидан қочишга ҳаракат қилади, уларнинг аксарияти яширин иқтисодиётга киради.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиётни камайтириш учун солиқ юкини камайтириш ва тадбиркорлик учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш зарур. Хуфиёна иқтисодиёт хажмини камайтиришдан биринчи навбатда давлат манфаатдор. Чунки, давлат ўзига юклатилган функцияларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириши учун бюджет даромадлари барқарор тушум билан таъминланган бўлиши даркор.

Шу сабабли, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишни рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришнинг институционал асосларини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, солиқ назорати ва фискал мониторинг инструментларини рақамли технологияларга асосланган ҳисоб-китоблар тизимига мувофиқлаштириш механизмини яратиш зарур.

REFERENCES

1. Ниязметов И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.
2. Schneider, F. and Buehn, A., 2018. Shadow economy: Estimation methods, problems, results and open questions. *Open Economics*, 1(1), pp.1-29.

3. Тагаев Б.А., “Хуфиёна иқтисодиёт” иқтисодий хавфсизликка таҳдид сифатида, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2015 й.
4. Berdiev, A.N. and Saunoris, J.W., 2016. Financial development and the shadow economy: A panel VAR analysis. *Economic Modelling*, 57, pp.197-207.
5. Monteiro, J. and J. Assuncao (2009), “Outgoing the shadows: estimating the impact of bureaucracy simplification and tax cut on formality and investment”, *Journal of Development Economics*, 99(1), 105-115.
6. Жамолов И.З. Хуфиёпа иқтисодиётни баргараф этишда солиқ механизми таъсири: и.ф.и. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2005.